

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ ЎРГАНИШ НАЗАРИЯСИ: ҒАРБ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Уткир АБДУКАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Бошқарув самарадорлиги агентлигининг Тошкент шаҳар
филиали инсон ресурслари ва кадрлар салоҳиятини
ривожлантириш бўлими бош инспектори,
мустақил тадқиқотчи

Аннотация: мазкур мақолада давлат бошқаруви соҳасида Ғарб давлатлари ва Марказий Осиё мамлакатларидаги инсон ресурсларини ривожлантириш масаласини ўрганишга бўлган назарий ёндашувлар кенг қамровли таҳлил қилинган. Ғарб олимларининг, тадқиқотчиларининг иқтисодий моделлари, институционал ёндашувлари ва марказий осийлик олим ва мутахассисларнинг стратегик қарашлари мақолада ўзаро қийосий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Европа Иттифоқи, Марказий Осиё, давлат бошқаруви, назария, таҳлил, инсон капитали, инсон ресурслари, кадрлар сиёсати.

Теория изучения человеческих ресурсов в системе государственного управления: анализ научных подходов Запада и Центральной Азии

Уткир Абдукаримов,

Главный инспектор отдела развития человеческих ресурсов и кадрового потенциала
Ташкентского городского филиала Агентства по эффективности управления при
Президенте Республики Узбекистан, независимый исследователь

Аннотация: в статье представлен комплексный анализ теоретических подходов к развитию человеческих ресурсов в европейских государствах и странах Центральной Азии в сфере государственного управления. Сравняются экономические модели западных учёных, институциональные подходы европейских исследователей и стратегические взгляды центральноазиатских учёных и экспертов.

Ключевые слова: Европейский Союз, Центральная Азия, государственное управление, теория, анализ, человеческий капитал, человеческие ресурсы, кадровая политика.

Theory of the study of human resources in the public administration system: an analysis of Western and Central Asian scientific approaches

Utkir Abdukarimov,

Chief Inspector of the Department for Human Resources and Personnel Development at the
Tashkent City Branch of the Agency for Governance Efficiency under the President
of the Republic of Uzbekistan, Independent Researcher

Abstract: the article presents a comprehensive analysis of theoretical approaches to human resource development in Western and Central Asian countries in the field of public administration. It compares economic models of Western scientists, institutional approaches of European researchers and strategic views of Central Asian scientists and experts.

Keywords: European Union, Central Asia, public administration, theory, analysis, human capital, human resources, personnel policy.

Кириш. Инсон ресурслари замонавий давлат бошқаруви ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий устуни ҳисобланади. Билим, кўникма ва соғлиқ каби омиллар инсонни меҳнат бозорида рақобатбардош қилади ҳамда иқтисодий ўсиш ва жамият барқарорлигига хизмат қилади. Шу боис таълим, соғлиқни сақлаш ва касбий тайёргарликка йўналтирилган инвестициялар инсон ресурсларини давлат бошқаруви учун самарали кадрлар салоҳиятига айлантирувчи асосий восита саналади.

Инсон капитали назарияси XX асрнинг иккинчи ярмида шаклланиб, инсоннинг билим ва тажрибаси орқали иқтисодий ва бошқарув қиймати яратилишини илмий жиҳатдан асослаб берди (Г. Беккер, Т. Шульц ва бошқалар). Уларнинг таълим, соғлиқ ва касбий ривожланишни давлат бошқарувидаги самарадорликка таъсир этувчи сармоя сифатида кўрсатиши бугун кадрлар сиёсати ва ислохотларда кенг қўлланилмоқда.

Айниқса, давлат хизматида инсон ресурсларини ривожлантириш – юқори малакали кадрларни тайёрлаш, уларни стратегик бошқариш ва мотивациялаш билан боғлиқ. Ғарб тажрибасида рақамлаштириш, маълумотларга асосланган бошқарув ва етакчиликни ривожлантириш каби инновациялар давлат хизматини модернизация қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу мақолада давлат бошқарувида инсон ресурслари назарияси ўрганилиб, Ғарб илмий ёндашувлари Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон амалиёти билан таққосланган ҳамда миллий ислохотлар учун амалий тавсиялар тақдим этилган. Сарлавҳада “инсон ресурслари” атамаси давлат хизматидаги кадрлар салоҳиятини изоҳлаш учун танланди, таҳлилда эса “инсон капитали” концепцияси уларнинг иқтисодий ва бошқарув қийматини ёритиш мақсадида қўлланилди.

Мазкур тадқиқот иши натижалари бўйича шакллантирилган хулосалар ва улар асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йилдаги бир қатор фармонларида, жумладан, 2025 йил 5 майдаги ПФ-78-сон “Истиқболли кадрларни мақсадли тайёрлаш ҳамда уларни давлат бошқаруви ва хизматига самарали жалб этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [1], 2025 йил 19 июндаги ПФ-95-сон “Давлат фуқаролик хизматини янги ёндашувлар асосида ташкил этиш ҳамда профессионал ва натижадорликка йўналтирилган давлат хизматчилари корпусини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [2] ва 2025 йил 14 июлдаги ПФ-111-сон “Давлат бошқаруви тизимида самарадорлик, проактивлик ва натижадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонларида [3] белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган бўлиб, давлат бошқаруви тизими самарадорлигини такомиллаштириш ва инсон капиталига таянган бошқарув маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Бугунги кунда инсон ресурсларини англаш учун “инсон омили”, “меҳнат ресурслари”, “меҳнат ресурслари ва инсон капитали” каби яқин тушунчалар ўртасидаги асосий фарқларни ажратиш зарур.

“**Инсон омили**” тушунчаси жамият тараққиётида илк бор фалсафий ва ижтимоий нуқтаи назардан шаклланган бўлиб, инсоннинг борлиқдаги ўрни ва унинг жамият ривожланишидаги роли билан боғлиқдир. Академик Қ.Х.Абдурахмонов инсон омилини иқтисодий-сиёсий атама сифатида талқин қилиб, уни меҳнат психологияси, эргономика ва социология тизимларининг умумий назарияси манфаатлари билан уйғун-



лаштиради. Унинг фикрича, инсон омили фақат меҳнат жамоасининг аъзоси эмас, балки ижтимоий ҳаётнинг фаол субъектидир. Шу боис инсон омили ижтимоий, демографик, иқтисодий ва сиёсий тузилмаларнинг бир бутун таркибий қисми сифатида жамият тараққиётини таъминлайди [4].

“Меҳнат ресурслари” тушунчаси иқтисодий адабиётларда кенг қўлланиб келган. Хусусан, хорижлик иқтисодчилар: К.Р. Макконел, С.Л. Брю, Д.С. Синк, П. Хейне, С. Фишер, Р. Дорнбуш ва Р. Шмаленз ўз тадқиқотларида меҳнат ресурсларини мустақил иқтисодий категория сифатида талқин қилганлар. Уларнинг фикрича, ишлаб чиқариш жараёнида табиий ресурслар, капитал ёки технология қандай аҳамиятга эга бўлса, меҳнат ресурслари ҳам шунчалик ҳал қилувчи омили сифатида намоён бўлади.

Ушбу масала бўйича юртимиз етакчи олимларидан иқтисод фанлари доктори, профессор М.Қ.Пардаев: “Меҳнат ресурслари – меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли (аёллар 16-55 ёшда, эркеклар 16-60 ёшда) сонига ўз ифодасини топади. Бу ёшдаги ногиронлик ва бошқа сабаблар билан ишламайдиганлар меҳнат ресурсига кирмайди. Демак, меҳнат ресурси деганда, аҳолининг маълум чегараланган ёшдаги ишлай оладиган фаол қисми тушунилади”, деб фикр билдирган [5].

Инсон капитали назарияси XX асрнинг иккинчи ярмида америкалик олимлар Теодор Шульц ва Гэри Беккер томонидан илмий асосланган. Т.Шульцнинг таъкидлашича, инсоннинг фаровонлиги ер ёки техника воситаларига эмас, балки унинг билими ва салоҳиятига кўпроқ боғлиқ. Инсон қобилиятлари туғма ёки ҳаёти давомида орттирилган бўлиши мумкин, аммо маблағ, таълим ва турли инвестициялар орқали ривожлантирилган қобилиятларни “инсон капитали” деб атаيمиз [6].

Америкалик иқтисодчи Г.Беккер эса, ўзининг “иқтисодий ёндашуви” орқали инсон хулқ-атворини таҳлил қилишнинг универсал методологик асосини ишлаб чиқди. Унинг таъкидлашича, инсон капитали шахсда тўпланган билимлар, касбий кўникмалар ва мотивациялар мажмуидан иборат. Жисмоний капиталдан фарқли ўлароқ, инсон капитали ўз эгасидан ажралмайди ва унинг шаклланиши катта сармоя ҳамда узоқ муддатли инвестицияни талаб қилади [7].

Ўзбекистонлик олимлардан А.Ўлмазов ва А.Ваҳобовлар: “Инсон капитали – бу кишиларнинг ҳаётини неъматлар ҳисобланган товар ва хизматларни яратишга қодир бўлган ақл-идроки ва куч-қувватидир, уни яратиш харажат талаб қилгани учун у капиталга тенглаштирилади”, деб таъкидлашган [8].

“Инсон ресурслари” тушунчаси эса, кейинги босқичда шаклланган бўлиб, у кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий категория сифатида талқин қилинади. Ўзбекистонлик иқтисодчи олим И.А. Бакиева: “Инсон ресурслари – бу одамлар, уларнинг меҳнат ахлоқи ва қўйилган мақсадга эришиш учун интилиши, уларнинг билимлари ва қадриятлар тизими, ижодий ва новаторлик қобилиятларидир”, деб таъриф берган [9].

Мазкур таърифдан кўриниб турибдики, инсон ресурслари нафақат иқтисодий самарадорликнинг кафолати, балки жамият ижтимоий ва маданий тараққиётининг ҳам ҳал қилувчи омили ҳисобланади.

Ушбу атаманинг шаклланиши ва мазмуни ҳақида турли илмий қарашлар мавжуд. Жумладан, хорижий иқтисодчи олимлар: К.Р. Макконел, С.Л. Брю, Д.С. Синк, П. Хейне, С. Фишер, Р. Дорнбуш ҳамда Р. Шмалензи асарларида “инсон ресурслари” тушунчаси иқтисодий категория сифатида қўлланади. Уларнинг фикрича, ишлаб чиқариш жараёнида

инсон ресурслари моддий ва табиий омиллар қаторида алоҳида ўрин тутати ҳамда иқтисодий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бири ҳисобланади [10].

Шу нуқтаи назардан, инсон омили фалсафий асос сифатида, меҳнат ресурслари эса, иқтисодий амалиётда, инсон капитали илмий назарияда ва инсон ресурслари бўлса, комплекс ижтимоий-иқтисодий категория сифатида қаралиши мумкин. Уларнинг барчаси жамият тараққиётининг турли босқичларида ўзаро боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ушбу тушунчаларнинг энг муҳимлари бўлмиш инсон капитали кўпроқ иқтисодий категория бўлиб, инсонга қилинган инвестициянинг узоқ муддатли самарасини ифодалайди. “Инсон ресурслари” эса, кенгроқ тушунча бўлиб, инсоннинг ижтимоий, маданий ва ташкилий қирраларини қамраб олади ҳамда замонавий HR-менежментнинг асосий категорияси ҳисобланади.

Таҳлиллар ва асосий натижалар. Замонавий иқтисодиётда инсон ресурслари, инсоннинг билими, кўникмалари

1-жадвал

Инсон капиталига оид тушунчаларнинг қиёсий таҳлили [11]

Тушунча	Асосий мазмуни	Йўналиши	Қўлланиш соҳаси	Аҳамияти
Инсон капитали	Шахснинг билими, кўникмаси, саломатлиги ва инновацион салоҳияти. Инвестиция объекти сифатида қаралади ва узоқ муддатли иқтисодий ўсиш манбаи.	Сифатий (билим, малака, инновацион қобилият)	Таълим, инновация, меҳнат унумдорлиги, миллий иқтисодий стратегиялар.	Барқарор иқтисодий ўсиш ва миллий рақобатбардошлик асоси.
Инсон ресурслари	Жамиятдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли ва уларни бошқариш тизими. HR ва меҳнат бозори сиёсатида ишлатилади.	Комплекс (иқтисодий, ижтимоий, маданий)	Кадрлар сиёсати, HR-менежмент, корпоратив бошқарув, меҳнат бозори.	Давлат ва корхоналарнинг стратегик устувор манбаи.
Инсон омиллари	Шахснинг ижтимоий жараёнлардаги иштироки ва жамият ривожланишига таъсири.	Ижтимоий-сиёсий (инсоннинг жамиятдаги роли)	Ижтимоий жараёнлар, сиёсий иштирок, мафкура, бошқарув.	Жамият тараққиётида ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий омил.
Меҳнат ресурслари	Иқтисодий фаолият юритишга лаёқатли аҳоли қатлами (ишлайдиган ва ишламайдиган меҳнатга қобил аҳоли).	Миқдорий (меҳнатга қобил аҳоли сони)	Давлат статистикаси, меҳнат бозори таҳлили, демография ва бандлик сиёсати.	Меҳнат бозори мувозанати ва иқтисодий жараёнлар таъминланиши.



ва салоҳияти миллий ривожланишнинг асосий драйвери сифатида намоён бўлмоқда. Айниқса, давлат хизмати тизимида рақобатбардошлик ва самарадорликка эришиш юқори малакали кадрларни шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ.

Мазкур мақолада инсон капитали назариясининг шаклланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатган таниқли иқтисодчилар: Гэри Беккер, Теодор Шульц, Жеймс Хекман ва Якоб Минсернинг илмий мероси таҳлил қилинади. Шу билан бирга, замонавий дунёда инсон капиталини ҳар томонлама ўрганаётган ва унинг иқтисодий, ижтимоий ҳамда институционал жараёнлардаги ролини тадқиқ қилаётган бошқа етакчи олимларнинг илмий ишлари ва методологик ёндашувлари ҳам таҳлил этилади.

Гэри Беккер (1930-2014) – Нобель мукофоти соҳиби ва Чикаго университети профессори, инсон капитали назариясининг асосчиларидан бири. У таълим, соғлиқ ва кўникмаларга сармоя киритишни меҳнат бозоридаги самарадорлик ва иқтисодий манфаат билан боғлаб, инсон фаолиятини иқтисодий таҳлил предметига айлантирди. 1964 йилдаги “Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis” номли асарида инсон капиталига инвестиция қилиш қарорлари келгуси фойда ва жорий харажатларни таққослаш орқали изоҳланди [12]. Беккернинг ёндашуви инсон капиталига сармояни узоқ муддатли иқтисодий ўсиш манбаи сифатида кўриб, иқтисодий таҳлилни таълим, оила ва жамият соҳаларига кенгайтди.

Бизнингча, Беккернинг инсон капиталига сармояни узоқ муддатли иқтисодий ўсиш манбаи сифатида талқини ҳозирги шароитда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Чунки мамлакат тараққиёти, аввало, таълим ва соғлиққа йўналтирилган инвестициялар билан белгиланади.

Теодор Шульц (1902-1998) – Нобель мукофоти соҳиби, инсон капитали назариясини ривожлантиришда муҳим ўрин тутган иқтисодчи. У таълим ва инсон капиталига сармояни иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири сифатида асослаган. 1961 йилдаги “Investment in Human Capital” номли асарида таълим харажатларини келгуси даромад келтирувчи инвестиция сифатида талқин қилади [13]. Шульцнинг ҳисобларига кўра, XX асрнинг биринчи ярмида АҚШ иқтисодий ўсишининг 40%дан ортиғи инсон капиталига инвестиция ҳисобига тўғри келади. Шу тариқа, у инсон капиталини иқтисодиётнинг марказий драйвери сифатида назарий ва амалий жиҳатдан асослаб беради.

Т.Шульцнинг инсон капиталига сармоя киритиш иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи омили эканлиги ҳақидаги ғоялари Ўзбекистон учун ҳам долзарбдир. Чунки таълим, соғлиқ ва малакали меҳнатга йўналтирилган инвестициялар мамлакатда инновацион иқтисодиёт ва барқарор тараққиётни таъминловчи асосий драйвер сифатида хизмат қилади.

Жеймс Хекман (1944) – Нобель мукофоти лауреати ва Чикаго университети профессори, инсон капиталига инвестицияни болалиқдан бошлаш зарурлигини исботлаган. Унинг тадқиқотлари эрта таълим ва ижтимоий дастурлар узоқ муддатли иқтисодий самара ҳамда ижтимоий тенгликка олиб келишини кўрсатади [14].

Ж.Хекманнинг инсон капиталига эрта инвестиция ҳақидаги концепцияси Ўзбекистон шароитида ҳам долзарб бўлиб, болалиқдан таълим ва ижтимоий дастурларга сармоя йўналтириш узоқ муддатли иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлайди, деб ҳисоблаймиз.

Якоб Минсер (1922-2006) – Колумбия университети профессори ва меҳнат иқтисодиётида математик моделлар асосчиларидан бири. Унинг машҳур “даромад функцияси” таълим ва меҳнат тажрибасининг иқтисодий қайтимини кўрсатиб, инсон капитали ва даромад ўртасидаги боғлиқликни аниқ математик моделлаштирди. Ушбу ғоялари 1974 йилдаги “Schooling, Experience, and Earnings” асарида баён этилган [15].

Бу ёндашув меҳнат бозоридаги даромадлар динамикасини аниқ баҳолаш имконини яратиб, ҳозирги глобал иқтисодий таҳлилларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Бундан ташқари, инсон капитали назариясининг ривожланишида Нобель мукофоти соҳиби **Роберт Лукас** (1937-2023) ҳамда америкалик иқтисодчи олим **Паул Ромер** (1955) каби эндоген ўсиш назарияси вакиллари инсон капиталини макроиқтисодий ривожланишнинг асосий драйвери сифатида талқин қилдилар [16]. Лукас инсон капитали тўпланишини узоқ муддатли ўсиш суръатларини белгилайдиган омил сифатида кўрсатган бўлса, Ромер билим ва инновациялар орқали унинг ташқи самараларини асослаб берди.

Ўзбекистон учун бу ғоялар, айниқса, долзарб, чунки мамлакатда барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида, таълим сифати, инновацион экотизим ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашга йўналтирилган стратегиялар инсон капиталини самарали ривожлантиришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

Стивен С. Лим ва бошқа тадқиқотчилар ўзларининг “Measuring human capital: a systematic analysis of 195 countries and territories, 1990-2016” (The Lancet, 2018) номли мақоласида инсон капиталини таълим, саломатлик ва ўрганиш қобилияти асосида баҳолашни таклиф қиладилар [17]. Тадқиқотда 20-65 ёш оралиғида

умр давомийлиги, таълим даражаси ва сифати ҳамда соғлиқни инobatга олган “кутилган инсон капитали” кўрсаткичи жорий этилган. Натижалар мамлакатлар ўртасидаги катта фарқларни ва таълим ҳамда соғлиққа инвестиция зарурлигини кўрсатади.

Лимнинг модели Ўзбекистон шароитида инсон капитали ривожланишини тўғри йўналтириш ва ресурслар тақсимотини самарали ташкил этиш учун стратегик “барометр” вазифасини бажариши мумкин.

Карлос Бетенкурт ва **Фернандо Перера-Талло** (Ла Лагуна университети, Испания) инсон капитали, иқтисодий ривожланиш ва давлат харажатлари муносабатларини тадқиқ этадилар. Уларнинг мақоласида инсон капитали иқтисодий ўсишнинг асосий омили сифатида кўрилиб, давлат бошқаруви, институционал сифат ва таълим тизимининг роли таъкидланади. Муаллифлар ривожланишнинг дастлабки босқичларида давлат сектори устувор, узоқ муддатда эса, хусусий сектор ва институционал ислохотлар самарали ўсишни таъминлайди, деб хулоса қиладилар [18].

Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришнинг самарали модели сифатида – “давлатнинг дастлабки инвестицияси + хусусий секторнинг узоқ муддатли жалб қилиниши + институционал сифатни ошириш” комбинациясини самарали деб ҳисоблаймиз. Агар бу механизм тизимли амалга оширилса, инсон капитали нафақат иқтисодий ўсиш драйверига, балки ижтимоий барқарорлик ва инновацион ривожланишнинг асосий таянчига айланади.

Марказий Осиё ва ўзбекистонлик олимларнинг инсон капитали назарияси тадқиқоти бўйича фикрлари:

Инсон капитали назариясининг Марказий Осиёдаги ўзига хос жиҳатлари



қуйидагилардан иборат. Биринчидан, анъанавий маданий қадриятлар ва замонавий таълим тизими ўртасидаги мувозанатни топиш масаласи. Бу ҳолат давлат бошқарувида кадрлар сиёсати ва қарор қабул қилиш жараёнларида миллий мерос билан глобал тажрибани уйғунлаштиришни талаб қилади.

Иккинчидан, меҳнат миграциясининг инсон капиталига таъсири – бу минтақада жуда долзарб масала. Чунки давлат бошқаруви тизимида мигрантлар орқали орттирилган тажриба ва кўникмаларни миллий ривожланиш манфаатига йўналтириш зарур.

Учинчидан, табиий ресурслар экспортига асосланган иқтисодиётдан билимга асосланган иқтисодиётга ўтиш жараёнида инсон капиталининг роли беқиёс аҳамиятга эга. Бу жараён давлат бошқарувида стратегик қарорлар қабул қилиш, инновацион сиёсат юритиш ва самарали кадрлар тайёрлашда инсон капиталини асосий драйвер сифатида кўришни тақозо этади.

Шундай қилиб, инсон капитални Марказий Осиё давлат бошқарувида нафақат иқтисодий ривожланиш омили, балки самарали ислохотларни амалга ошириш, жамиятни замонавийлаштириш ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Мазкур жиҳатлар Марказий Осиё давлатларининг иқтисодчи олимлари томонидан ҳам фаол ўрганилмоқда.

Марказий Осиё давлатларида мустақилликдан сўнг инсон капиталини ривожлантириш уларнинг асосий устувор йўналишларидан бирига айланди. Ушбу жараёнда маҳаллий олимларнинг назарий ва амалий ҳиссалари алоҳида аҳамият касб этади, чунки улар минтақанинг ўзига хос иқтисодий, ижтимоий ва маданий шароитларини ҳисобга

олган ҳолда инсон капитални ривожланишининг самарали йўллари ишлаб чиқдилар.

Мурат Наркулов (Карлов университети, Прага)нинг PhD диссертациясида Қозоғистонда инсон капиталини баҳолашда демографик ёндашув ишлаб чиқилган. Унинг тадқиқоти (2001-2007) ёш таркиби, таълим ва меҳнат иштироки каби демографик омилларни ҳисобга олиб, инсон капиталини чуқурроқ ўлчаш усулини таклиф қилади. Бу усул иқтисодий ривожланиш ва сиёсат учун янги аҳамиятли йўналишларни очиб беради [19].

Зулфия Баигиреева – қозоғистонлик иқтисодчи, инсон капитални ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқликни эмпирик тадқиқ этган. Ш.Ниязбекова билан 2020 йилда нашр этилган мақоласида (1994-2019) таълим ва соғлиқнинг иқтисодий ўсишга таъсири таҳлил қилиниб, минтақавий фарқлар ҳамда тенг имкониятли таълим ва тиббий хизмат зарурлиги таъкидланади [20].

Қ.Х.Абдурахманов – Ўзбекистонда инсон капитални ва меҳнат иқтисодиёти соҳасида йирик олим, бу борада қатор монография ва дарсликлар муаллифи. Унинг асарлари халқаро миқёсда эътироф этилган бўлиб, интеллектуал капитал, меҳнат бозори ва инновацион тараққиёт масалаларига бағишланган. “Human capital basis of development of innovative economy” номли мақоласида инсон капиталини ривожлантиришнинг миллий модели сифатида бешта ташаббус илгари сурилган. Муаллиф инсон капиталини давлат сиёсатида марказий элемент сифатида кўрсатиб, таълим ва меҳнат бозори ўртасидаги узилиш ҳамда ёшлар ва аёллар учун амалиётга асосланган ечимлар етишмаслигини асосий муаммо сифатида таъкидлайдилар [21].

2-жадвал

**Инсон капитали назарияси ривожланишига ҳисса қўшган
Ғарб ва Марказий Осиё олимларининг ёндашувлари [11]**

№	Олимлар	Уларнинг асосий ғоялари:
1	Гэри Беккер	<ol style="list-style-type: none"> 1. Инсон капитали – меҳнат унумдорлигини оширувчи кўникма ва билимлар йиғиндиси. 2. Таълим ва тренингларга сармоя қилиш – шахсий ва миллий иқтисодий ўсиш омили. 3. Инсон капиталига инвестиция – риск ва самарадорлик асосида баҳоланади.
2	Теодор Шульц	<ol style="list-style-type: none"> 1. Инсон капитали – таълим ва соғлиқ орқали шаклландиган иқтисодий ресурс. 2. Камбағал мамлакатларда иқтисодий ўсиш учун инсонга сармоя муҳим. 3. Таълим ва миграция – инсон капиталига асосий сармоя шакллари.
3	Жеймс Хекман	<ol style="list-style-type: none"> 1. Инсон капиталига инвестициянинг энг самарали даври 0-5 ёш. 2. Эрта ривожланиш ижтимоий тенглик ва иқтисодий самарадорликка хизмат қилади. 3. Давлат сиёсатлари инсон капитали тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.
4	Якоб Минсер	<ol style="list-style-type: none"> 1. Минсер функцияси: иш ҳақи = таълим + тажриба + тажриба. 2. Таълим ва меҳнат тажрибаси иш ҳақининг асосий омиллари. 3. Инсон капитали меҳнат бозорида қийматни аниқлайди.
5	Роберт Лукас, Паул Ромер	<ol style="list-style-type: none"> 1. Инсон капитали нафақат индивидуал даражада, балки макроиқтисодий даражада ҳам иқтисодий ўсишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучдир. 2. Билим ва инновацияларнинг тарқалиши орқали инсон капиталининг ташқи самараларини таъкидлайди.
6	Стивен С. Лим, Рейчел Л. Апдайк, Александр С. Калджиан	<ol style="list-style-type: none"> 1. Мамлакатлар ўртасидаги катта фарқлар таълим ва саломатликка сармоя киритиш зарурлигини таъкидлайди.
7	Карлос Бетенкурт ва Фернандо Перера-Талло	<ol style="list-style-type: none"> 1. Инсон капитали (малакавий ишчилар сони) иқтисодий ўсишнинг асосий омили сифатида кўрилади. 2. Институционал сифати паст мамлакатларда инсон капитали кўпроқ бюрократик фаолиятларга йўналтирилиб, ЯИМ ўсишига салбий таъсир кўрсатади. 3. Таълим тизими сифати инсон капиталининг самарадорлигини белгилайди. 4. Солиқ ставкаси инсон капитали миқдорига боғлиқ.
8	М. Наркулов	<ol style="list-style-type: none"> 1. Инсон капиталини баҳолашда илк бор унинг таълим даражасига ва ўлим кўрсаткичларига боғлиқлиги ўрганилди. 2. Қишлоқ аҳолиси ўртасида таълим ва демографияни ўзаро боғлаб, инсон капитали потенциали юқори экани илмий жиҳатдан асослаб берилди. 3. Таълим ва ишга жалб этишни кучайтириш орқали инсон капиталини ривожлантириш мумкинлиги таъкидланган. 4. Демографик ва иқтисодий маълумотларни интеграция қилиш орқали инсон капиталини ҳажм ва сифат жиҳатидан янада аниқ ва кенг қўламда ўлчаш имкони яратилади.

9	З.Баигиреева ва Ш.Ниязбекова	1. Таълим ва соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари Қозоғистоннинг минтақавий иқтисодий ўсиш суръатларини белгиловчи асосий омилдир.
10	К.Х.Абдурахманов	1. Ўзбекистонда таълим сифатини халқаро мезонларга мос равишда баҳолаш. 2. Инсон капитали ривожда когнитив кўникмаларни кучайтириш муҳимлиги. 3. Таълим сифатини оширишда ўқитувчилар маошини ошириш. 4. Ёшлар учун XXI аср кўникмалари зарурлиги. 5. Аёлларнинг меҳнат бозоридаги иштирокини ошириш.

Инсон капитали назарияси, асосан, иқтисодий тадқиқотларда кенг қўлланилади. Бироқ унинг қўлланиш доираси фақат иқтисод билан чекланиб қолмайди. Мазкур назария таълим, соғлиқни сақлаш, демография, ижтимоий сиёсат ва давлат бошқаруви соҳаларида ҳам муҳим таҳлилий асос сифатида хизмат қилади. Шу йўсинда, инсон капитали назарияси жамият тараққиётининг турли йўналишларини ўрганишда универсал методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу жадвал орқали аниқ кўринадики, инсон капитали назарияси деярли

барча ижтимоий соҳалар билан чамбарчас боғлиқ ва ҳар бир соҳада унинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилади.

Ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг илмий ишларида инсон капитали бўйича баён этилган муҳим фикр ва илмий янгиликлар:

Иқтисодиёт йўналишида:

Н.Э. Максумовнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат фуқаролик хизматида “Миллий карьера модели”нинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш” мавзуидаги диссертациясида давлат фуқаролик хизмати-

3-жадвал

Инсон капитали назариясини ижтимоий соҳаларда ўрганилиш йўналишлари [11]

№	Соҳа	Асосий йўналишлар ва мазмуни
1	Иқтисодиёт	Меҳнат бозори, ишлаб чиқариш самарадорлиги, инсон капиталига инвестиция, иш ҳақи тизими.
2	Сиёсий	Давлат бошқаруви, ижтимоий сиёсат, сиёсий барқарорлик, кадрлар сиёсати.
3	Таълим	Малака ва кадрлар тайёрлаш, инсон салоҳиятини ривожлантириш, билим ва кўникмаларнинг роли.
4	Соғлиқни сақлаш	Меҳнат қобилиятини сақлаш, соғлом турмуш тарзи, инсон капитали самарадорлигининг узоқ муддатли таъсири.
5	Давлат бошқаруви	Давлат хизмати самарадорлиги, кадрлар сиёсати, инсон ресурсларини бошқариш.
6	Жамиятшунослик	Демография, аҳоли таркиби, ижтимоий муносабатлар ва меҳнат кадрлари тақсимооти.
7	Психология	Меҳнат мотивацияси, шахс қобилиятлари, ижтимоий мослашув.
8	Фалсафа	Инсон омилларининг жамиятдаги ўрни, қадриятлар тизими, маънавий ресурс сифатида таҳлили.

да инсон капиталига асосланган миллий карьера модели ва унинг рақамли платформаси такомиллаштирилди.

Касбий малакага таянувчи кадрлар сиёсати, “устоз-шогирд” тизими, самарадорлик баҳоси ҳамда ҳудудий кадрлар тайёрлаш механизмлари илмий жиҳатдан асосланди.

С.Р. Холбаеванинг “Иқтисодий тизимда инсон капитали фаолиятининг илмий асослари” мавзуидаги диссертациясида иқтисодиётда инсон капитали назарияси эволюцияси жараёнлари, “инсон капитали” тушунчаси ва моҳияти, шунингдек, унинг ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти, иқтисодий тизим, унинг асосий таркибий элементлари ва “инсон капитали” категориясининг бошқа иқтисодий категориялар билан нисбати, таълим, кадрлар тайёрлаш ва турмуш даражасининг инсон капитали сифатига таъсири таҳлил қилинади.

Сиёсий йўналишда:

О.А.Хасановнинг “Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларида давлат кадрлар сиёсатини ривожлантириш тенденциялари” мавзуидаги диссертациясида давлат хизматини ислоҳ қилиш йўналишлари таҳлил қилиниб, институционал асосларни такомиллаштириш,

кадрлар салоҳиятини ошириш ва самарадорликни таъминлашга қаратилган ёндашувлар кўрсатилган.

Д.С.Каттаханованинг “Ўзбекистонда ёш лидерларни тайёрлашнинг институционал механизмлари” мавзуидаги сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ўзбекистон Республикасида ёш лидерларни тайёрлаш бўйича самарали институционал механизмларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш масаласига бағишланган.

Социология йўналиши:

Ф.А.Ихтияровнинг “Инсон капиталини кейс методи асосида ривожлантиришнинг социологик хусусиятлари” мавзуидаги диссертациясида кейс методи асосида инсон капиталини ривожланиш имкониятлари тадқиқ этилган.

Н.С.Абдукадированинг “Ўзбекистон ёшлари бўш вақтини ўтказиш тизимини такомиллаштириш механизмлари” мавзуидаги диссертациясида ёшлар бўш вақтини ташкил этиш тизими ижтимоий жиҳатдан таҳлил қилиниб, унинг динамик ва рационал хусусиятлари социологик нуқтаи назардан ўрганилган. Асосий мақсад – мавжуд механизмларни чуқур англаш ва такомиллаштиришдир.

4-жадвал

Ўзбекистонлик тадқиқотчилар илмий ишларида инсон капиталини ривожлантириш назарияси бўйича ёндашувлари [11]

№	Тадқиқотчи олимлар	Тадқиқот ишидаги илмий янгиликлар
1	Н.Э.Максумов	<ol style="list-style-type: none"> 1. Давлат фуқаролик хизматида инсон капиталига асосланган “миллий карьера модели” ва унинг электрон платформаси жорий этилди. 2. Инсон ресурсларини бошқаришда касбий малакага асосланган лойиҳалар, харажат-самара оптималлашуви ва кадрлар селекцияси механизмлари ишлаб чиқилди. 3. Илк бор “устоз-шогирд” институти давлат хизматларига татбиқ қилиниб, меҳнат унумдорлигини баҳолаш ва рағбатлантириш усуллари асосланди. 4. Вилоятлар кесимида кадрларга талабни қондириш учун қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари орқали мувофиқлаштириш схемаси ишлаб чиқилди.



2	С.Р.Холбаева	<ol style="list-style-type: none">1. “Инсон капитали” тушунчаси меҳнатдаги фойдали билим, кўникма ва саломатлик асосида назарий жиҳатдан такомиллаштирилди.2. Инсон капитали иштирок босқичларига кўра (шаклланиш, меҳнат, пенсия) таснифланди.3. ЭКИХ тушунчаси инсоннинг сарфлаган энергиясини қоплашга йўналтирилган минимал тўлов сифатида изоҳланди.4. Инсон капитали эҳтиёжларини аниқлаш учун малакали кадрларга бўлган талаб асосида прогнозлаш тизими ишлаб чиқилди.
3	О.А.Хасанов	<ol style="list-style-type: none">1. Давлат хизматига оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.2. Компетенцияга асосланган кадрлар модели ва тайёрлаш тизими асосланди.3. Миллий кадрлар захираси ва “Келажак лидерлари” модели ишлаб чиқилди.4. Малака ошириш ва ўқитиш курсларини модернизация қилиш йўналишлари белгиланди.5. Рақамли бошқарув орқали очиқликни таъминлаш таклиф этилди.6. Ассессмент марказлари орқали раҳбарларни танлаш механизми ишлаб чиқилди.
4	Д.С.Каттаханова	<ol style="list-style-type: none">1. “Келажак лидерлари академияси” ва “Келажак лидерлари форумлари”ни ташкил этиш таклиф этилди.2. Давлат бошқарувида ҳақ тўланадиган волонтерлик амалиёти тизимини жорий этиш таклиф қилинди.3. Ёшлар парламентини маслаҳат органидан таъсирчан қарор қабул қилувчи тузилмага айлантириш ғояси илгари сурилди.4. Ёшларнинг сиёсий иштирокини кучайтириш учун таклиф ва рейтинглар ишлаб чиқилди.
5	Ф.А.Ихтияров	<ol style="list-style-type: none">1. Кейс методи орқали инсон капиталини баҳоловчи ижтимоий-маданий индикаторлар ишлаб чиқилди.2. Инсон салоҳияти шахснинг эҳтиёж, қобилият ва манфаатлар мутаносиблиги асосида жамиятга фойдалилик даражаси билан изоҳланди.3. Ёш, жинс, касб ва ҳудуд кесимида инсон капиталини мутаносиб ривожлантириш модели таклиф этилди.4. Инсон капитали транзитив жамиятларда “инсон-жамият-давлат” учлигида ривожланиш механизми сифатида асосланди.
6	Н.С.Абдукадилова	<ol style="list-style-type: none">1. Ёшлар рекреациясида бўш вақт ва ҳордиқни индивидуал ҳамда ижтимоий эҳтиёжларга мос ташкил этиш учун ресурслар мажмуи аниқланди.2. Ёшларнинг меҳнат ва ижодий фаолиятидаги фаол капиталдан самарали фойдаланиш алгоритми ишлаб чиқилди.3. Бўш вақт имкониятлари “Ёшлар имкониятлари” ва “Фаровонлик” индекслари орқали баҳоланиб, социологик модель яратилди.

Хулоса. Давлат бошқаруви самарадорлиги тўғридан-тўғри инсон ресурсларини тўғри бошқариш ва ривожлантиришга боғлиқ. Илмий таҳлиллар шуни кўрсатдики, Ғарб олимлари инсон капиталини таълим, соғлиқ ва малака орқали ривожланиш манбаи сифатида талқин этса, Марказий Осиё тадқиқотчилари институционал ва демографик омиллар, рақамли трансформация ҳамда ёшлар сиёсатига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон тажрибаси шу йўналишларни уйғунлаштириб, инсон капитални давлат хизматини модернизация қилишнинг асосий устувор йўналиши сифатида белгиламоқда. Хусусан, кадрларни стратегик тайёрлаш ва баҳолашда “Инсон капитални харитаси”, “устоз-шогирд” институти, рақамли баҳолаш тизимлари каби ташаббуслар муҳим аҳамият касб этади.

5-жадвал

Инсон ресурслари назарияси бўйича тадқиқотларда кенг ўрганилган ва етарлича қамраб олинмаган жиҳатлар [11]

Йўналиш	Кўп ўрганилган жиҳатлар	Кам эътибор берилган жиҳатлар
Таълим	Таълим сифати ва иқтисодий ўсишга таъсири	Soft skills, креативлик ва эмоционал интеллект
Соғлиқ	Соғлиқ ва меҳнат унумдорлигининг боғлиқлиги	Ментал саломатлик ва стресс бошқаришнинг шахсий ва ижтимоий ҳаётга таъсири
Иқтисодий ўсиш	Инсон капиталининг иқтисодий ўсишга таъсири	Сиёсий барқарорлик ва ижтимоий адолат билан боғлиқлик
Меҳнат бозори	Таълим ва иш ҳақининг боғлиқлиги (Я. Минсер модели)	Автоматизация ва AIнинг иш ўринларига таъсири
Инвестиция (ROI)	Таълим ва соғлиққа сарфланган маблағ қайтарими	Инсон капиталда ижтимоий қайтарим (кадрлар селекцияси, ижтимоий инновациялар)
Гендер ва инклюзивлик	Аёллар ва ёшлар масаласи қисман тадқиқ этилган	Ногиронлар, мигрантлар ва ижтимоий заиф гуруҳлар имкониятлари
Маданий омиллар	Маданий муҳитнинг умумий роли	Маданий идентификация, ижтимоий тарбияга таъсири
Демография	Ёшлар таълими ва меҳнат бозоридаги роли	Когнитив ресурслар, ижтимоий капиталнинг авлодлар орасида узатилиши
Сиёсий ва институционал	Асосий иқтисодий моделлар орқали изоҳланган	Институционал сифат, коррупция ва давлат бошқаруви самарадорлиги
Рақамли капитал	Асосан, технологик ривожланиш таҳлили	Рақамли саводхонлик, AI қобилиятлари ва киберхавфсизлик

Шу билан бирга, ёшлар салоҳиятини очиб бериш, инклюзив кадрлар сиёсати ва ижтимоий инновациялар давлат хизматини янги босқичга олиб чиқиши мумкин.

Мазкур ҳолат ривожланаётган давлатлар, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам катта имкониятлар яратиши ва бир вақтнинг ўзида таҳдид деб ҳисобланиши мумкин. Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда давлат бошқаруви ва хизмати учун қуйидаги амалий таклифлар фойдали бўлиши мумкин деб ҳисоблаймиз:

1. Таълим дастурларига soft skills ва рақамли кўникмаларни киритиш.

2. Ментал саломатлик ва стресс-менежмент дастурларини йўлга қўйиш.

3. AI ва автоматизацияга тайёрловчи қайта тайёрлаш курсларини очиш.

4. Давлат бошқарувида шаффофлик ва рақамли хизматларни кучайтириш.

5. Рақамли саводхонлик ва интернет инфратузилмасини оммалаштириш.

Шундай қилиб, миллий мерос ва замонавий кўникмалар уйғунлиги асосида шакллантирилган инсон ресурслари давлат бошқаруви тизимида самарадорлик ва шаффофликка асос бўлиб, жамият тараққиётининг бош драйверига айланиши мумкин.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 5 майдаги “Истиқболли кадрларни мақсадли тайёрлаш ҳамда уларни давлат бошқаруви ва хизматига самарали жалб этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-78-сонли Фармони. <https://www.lex.uz/docs/7520315>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 июндаги “Давлат фуқаролик хизматини янги ёндашувлар асосида ташкил этиш ҳамда профессионал ва натижадорликка йўналтирилган давлат хизматчилари корпусини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-95-сонли Фармони. <https://www.lex.uz/docs/7587464>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 июлдаги “Давлат бошқаруви тизимида самарадорлик, проактивлик ва натижадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-111-сонли Фармони. <https://lex.uz/uz/docs/7630445>

4. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. – Тошкент: “Меҳнат” нашриёти. – 2004. – 204 б.

5. Пардаев М.Қ. Бозорли иқтисодиёт шароитида меҳнатга оид тушунчалар. Рисола. – Самарқанд: СамКИ. – 1997. – 59 б.

6. Schultz T.P. Economic Research: Retrospect and Prospect, Volume 6, Human Resources 1972.

7. Беккер Г.С. Человеческое поведение: экономический подход. Избранные труды по экономической теории: пер. с англ. / Сост., науч. ред., послесл. Р.И. Капелюшников; предисл. М.И. Левин. – М.: ГУ ВШЭ, 2003, – 90, 96 с.

8. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. ТДИУ. – Т.: Иқтисод ва молия. – 2014. – 226 б.

9. Бакиева И.А. “Инсон ресурслари иқтисодиёти” фани. Ўқув қўлланма. – ТДИУ. – 2011.

10. Савенков И.Е. Трудовые ресурсы предприятия: понятие и сущность (мақола).

11. Муаллиф томонидан тузилган.

12. Becker, G. S. (1964). Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis. University of Chicago Press.

13. Schultz, T. W. (1961). Investment in Human Capital. American Economic Review, 51(1).

14. James Heckman “Giving Kids a Fair Chance: A Strategy That Works” (2013).

15. Mincer, J. (1974). *Schooling, Experience, and Earnings*. National Bureau of Economic Research.

16. Lucas, R. E. (1988). On the mechanics of economic development. *Journal of Monetary Economics*, 22(1). – P. 3-42.
17. Stephen S Lim, Rachel L Updike, Alexander S Kaldjian “Measuring human capital: a systematic analysis of 195 countries and territories, 1990-2016”. [https://www.thelancet.com/journals/lancet/article/PIIS0140-6736\(18\)31941-X/fulltext](https://www.thelancet.com/journals/lancet/article/PIIS0140-6736(18)31941-X/fulltext)
18. Carlos Bethencourt, Fernando Perera-Tallo “Public sector and human capital: on the mechanics of economic development” *Journal of Economics* (2024) 143:1-66 <https://doi.org/10.1007/s00712-024-00868-9>
19. M.Narkulov. “Demographic Approach in Measuring Human Capital of Kazakhstan.” Doctoral thesis, 2011. <https://dspace.cuni.cz/bitstream/handle/20.500.11956/47791/140010779.pdf?sequence=1&isAllowed=y>
20. Zh.Z. Baigireyeva, Sh.Niyazbekova. Financial University “Human Capital as the Dominating Factor of Economic Growth in the Republic of Kazakhstan” (2020).https://www.researchgate.net/publication/340305283_Human_Capital_as_the_Dominating_Factor_of_Economic_Growth_in_the_Republic_of_Kazakhstan (мақола)
21. K.Kh. Abdurakhmanov “Human capital basis of development of innovative economy” <https://psychosocial.com/index.php/ijpr/article/view/4576> (мақола)